



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

28 (400) ● 2016 йил 20 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Жорий йилда маҳаллий кенгашлардаги ЎЗМТДП гуруҳлари ташаббуси билан 74 масала сессиялар кун тартибига киритилди

Пленумда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолиятини янада кучайтириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди

2016-2018 йилларда 3000 мактабгача таълим муассасасини кўргазмали қуроллар ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилган



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Давра суҳбати

“Авлодлар довони: ким эдигу, ким бўлдиқ?”

партия “Ёшлар қаноти” тадбирларида ана шу мавзу кенг муҳокама қилинмоқда

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлод вақиларини ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Юртимиз ёшларининг билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун барча шароит ва имконият яратилган. Мамлакатимизда бунёд этилган замонавий таълим муассасалари ва спорт иншоотлари ёшлар камолотига хизмат қилмоқда. Бунга жавобан мамлакатимиз ёшлари барча соҳада ўз иқтидор ва салоҳиятларини намоён этаётир. Бу, албатта, истиқлолнинг ҳақиқимизга берган энг катта туҳфаси, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик самарасидир. Шу боис осуда ҳаётимизни асраш, ёшларга истиқлол берган имкониятлар моҳиятини янада кенгроқ тушунириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси саналади.

ЎЗМТДП Андижон вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” ўтказган “Авлодлар довони: ким эдигу, ким бўлдиқ” мавзусидаги ёшлар мулоқотида ана шулар ҳақида сўз борди.

> 3-бет.

Пленум



Энг улуг, энг азиз айём тадориги

партия дастурий мақсадлари ижроси ЎЗМТДП ташкилотлари ва депутатларнинг аниқ, изчил ва фаол саъй-ҳаракатини тақозо этади

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎЗМТДП гуруҳлари аъзолари, партия Марказий кенгаши девони масъул ходимлари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари етак-

чилари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Пленумда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг энг улуг, энг азиз айём — давлатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигини муносиб қутиб олиш борасидаги фаолияти, “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистон!” шiori остида ўтказилган тадбирларига алоҳида эътибор қаратилди.

> 2-бет.

Ушбу сонда:

Оймомонинг “айфон”и

ёхуд “Ким эдигу ким бўлдиқ?” деган мулоҳаза атрофидаги ўйлар



2016 йил. Гипермаркет: ҳам харид, ҳам саёҳат.

> 5-бет.

Япония парламенти

икки палатали бўлиб,

Вакиллар палатасида 480, Маслаҳатчилар палатасида 242 депутат фаолият олиб боради



> 7-бет.

Сармишсой мўъжизалари — дунё нигоҳида



> 8-бет.

Миллий гурур

Шахмат ўйнайдиган робот

ТАТУ талабаси Мироқил Ёркуловнинг бу кашфиёти ярмаркада голиб бўлди



Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги “Иновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори илм-фандаги, иновацион тадқиқот ва янгиликларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳаётга жорий этишда янги босқични бошлаб берди.

Мазкур қарорга биноан 2008 йилдан буён ҳар йили Иновацион форялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ўтказиб келинади. Эътиборлиси, кўргазма иштирокчилари сафи йилдан-йилга кенгайиб, намоёниш этилаётган иновацион лойиҳалар салмоғи ҳам ортиб бормоқда.

> 6-бет.

Депутат минбари

Бола барчамиз учун азиз

Бола шахсининг ривожланишида мактабгача таълим жуда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида “Кўп йиллик илмий кузатишлар ва тадқиқотлар шунинг кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча маълумотларнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олар экан”, дея таъкидлангани ҳам бежиз эмас. Ўз навбатида, мустақиллик, унинг мазмун-моҳиятини англаш ҳам таълим-тарбиядан бошланади. Биз босиб ўтган қисқа ва залворли йигирма беш йил мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ этишнинг ёрқин намунасидир, деб таъкидласак, айни ҳақиқатни эътироф этган бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган қарорлар давлат ва жамиятга, ҳар бир ота-онага жисмонан соғлом, маънан етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш вазифаларини юклайди. Дарҳақиқат, ўтган даврда таълим соҳасидаги ислохотлар миллий ва умумбашарий кадрларга таянган ҳолда замонавий давлатнинг изчил ва барқарор тараққиёти, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқ ҳолда олиб борилди ҳамда шу йўналишда давом эттирилмоқда. Шу мақсадда мустақиллик йилларида моҳиятан ўхшаши бўлмаган узлуксиз таълим тизими шакллантирилди, унинг миллий модели яратилди. Бундан кўзланган энг асосий мақсад — эркин фикрлайдиган, ўз мустақил сўзига эга, интеллектуал ёшларни жисмонан ва маънан етук шахслар сифатида вояга етказишдан иборат.

> 3-бет.

Ташаббус натижа берди

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, миллий бозорни сифати паст маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, қишлоқларда мулкчиликнинг янги шакллари жадвал ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг дастурий мақсад-вазифаларидан бири ҳисобланади. Халқ депутатлари Навбахор туман Кенгашининг навбатдаги XVII сессияси кун тартибига ЎЗМТДП гуруҳи ташаббуси билан киртилган “Туманда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, хунармандчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги масала ҳам ана шу мақсад-вазифа ижросига қаратилди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар

манфаати ҳимояси билан боғлиқ ташаббус-масалани ЎЗМТДП гуруҳи халқ депутатлари Навбахор туман Кенгаши сессиясига киритди

Истиқлол берган имкониятлар боис юртимизда хунармандчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши, тараққиёти ва истиқболга катта эътибор қаратилиб, соҳага оид ҳуқуқий асослар мустаҳкамланмоқда. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Хусусий корхона тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

> 4-бет.

“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



«Milliy tiklanish» газетасини
www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

